

339.138 (043.3)

С-22

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАҶЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 339.13+687 (575.1)

Сайфутдинов Мухитдин Асомитдинович

ТИКУВЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ МАРКЕТИНГ
СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

08.00.13 «Маркетинг» ихтисослиги

Иқтисод фанлари номзоди илмий

даражаси давогарлигига диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент — 2004

Диссертация Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Маркетинг» кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар:

**Иқтисод фанлари доктори, профессор
Қосимова Мафират Собировна**

Расмий оппонентлар:

**Иқтисод фанлари доктори, профессор
Акрамов Эргаш Акрамович
Иқтисод фанлари номзоди
Ахмедов Омонуллохон Мидхадович**

Етакчи ташкилот:

**«Ўзбекенгилсаноат» давлат акцио–
нерлик компанияси**

Диссертация ҳимояси «3 » июн 2005 йил соат 9⁰⁰ да Тошкент Давлат иқтисодиёт университети хузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.06.01 ихтисос – лашган кенгаш мажлисида ўтказилади.
Манзил: 700063, Тошкент шахри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49.

Диссертация билан Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг кутубхона – сида танишиш мумкин.

Автореферат 2005 йил «1 » июн да тарқатилди.

**Ихтисослашган Кенгаш илмий котиби,
иқтисод фанлари доктори,
профессор**

Н.М. Маҳмудов

1. Диссертациянинг умумий тавсифи

Муаммонинг долзарбалиги. Ҳозирги даврда енгил саноат тизими – нинг сўнгги бўғини бўлган тикувчилик корхоналари маҳсулотларининг ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан республикамиз аҳолисининг таълаблари даражасидан жиддий ортда қолаётганилиги намоён бўлмоқда. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, «Бугунги кунда ички бозорда сотилаётган барча тикувчилик маҳсулотларининг 75 фойиздан кўпроғи... Ўзбекистонга четдан олиб келиняпти... Айни вақтда бозорни ўрганиш – маркетинг бўйича, харидоригир товарлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, замонавий менежментни жорий қилиш, ходимларни рағбатлантириш, яъни уларнинг иш хақини ошириш борасида ҳеч қандай ҳаракат ёки интилишнинг ўзи йўқ»¹.

Дарҳақиқат, туб ислоҳотлар асосида бозор иқтисодиётига босқичма – босқич ўтиши миллий иқтисодиётнинг тикувчилик саноати корхоналари фаолиятини маркетинг тамойиллари асосида тадқиқ этишини тақозо этмоқда. Шунингдек, миллий иқтисодиётни эркинаш – тириш ва ҳалқаро савдони ривожлантиришнинг мавжуд шарт – шароитларига қарамай, миллий тикувчилик маҳсулотлари бозоридаги вазиятнинг яхшиланиши зарур даражада таъминланмаёттир. Бу эса, хотрижий тикувчилик буюмларининг миллий бозордаги устивор мавқеига ҳамда миллий тикувчилик корхоналари салоҳиятининг заифлигига барҳам беришда маркетинг стратегияси ва услубарини қўллаш заруритини орттироқда.

Бозор талабини яхши билиш корхонага маҳсулот ассортиментини режалаштириш, лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришни харидор таълабига мос равишда аниқ амалга ошириш имконини берувчи маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишига шароит яратади. Айниқса, бу муҳим масала аҳолининг бирламчи талаби учун зарур бўлган маҳсулот ишлаб чиқарувчи тикувчилик саноати корхоналари фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Бу вазифаларни бажаришда тизимли ёндошув талаб этилади ва корхонанинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш зарурияти вужудга келади. Бу эса, ўз навбатида, илмий изланишнинг долзарб – лигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирда енгил саноат таркибига кирувчи тикувчилик корхоналари маркетингининг ўзига хос хусусиятлари етарида даражада ўрганилмаган.

Истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар маркетингти талаб ва диди хилма – хил бўлган истеъмолчиларнинг кенг доиралари билан боғлиқ бўлиб, чет эл олимларидан А.Маслоу, В.Ильин, З.Фрейд, М.Вебер, О.Ф.Эджељ, Р.Д.Блекуэлл Т.Веблен, ва бошқаларнинг бир қатор илмий асарлари ушбу соҳадаги тадқиқотларга бағишилангандир.

МДХ мамлакатларида маркетинг тизимининг ушбу соҳаси бўйича А.Ковалев, В.Войленко, В.Гончарук, Д.Костогладов, Е.Голубков,

¹ И.А.Каримов. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дуне Билан ҳамкорлик йўли. Т.11 – Т. «Ўзбекистон» 2003. – 203 – бет.

Е.Пешкова, И.Алешина, И.Крилов, С.Аникеев ва бошқа олимлар илмий изланишларида акс эттирганлар.

Мамлакатимизда маркетинг соҳасида А.Бекмуродов, А.Фаттахов, Б.Беркинов, Г.Назарова, Д.Мұхитдинов, Ж.Жалолов, М.Насретдинова, М.Қосимова, Н.Йұлдошев, О.Ахмедов, Ф.Комилова ва бошқа бир қанча олимлар илмий тәдқиқот ва изланишлар олиб бормоқдалар.

Шу билан бир қаторда, тикувчилик корхоналарининг ассортимент сиёсатини такомиллаштиришга оид маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиши масалалари етарлича ўрганилмаган. Бинобарин, тикувчилик саноати корхоналарида маңсулот ассортиментини яхшилаш бўйича маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиши зарурияти ушбу диссертациянинг мавзусини, унинг мақсад ва вазифаларини белгилаб берди.

Илмий тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Ўтиш даври иқтисодиётіда республикамизнинг тикувчилик корхоналарида харидоргир тикувчилик маңсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишни таъминлайдиган изчил маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишига оид илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиши диссертация ишининг асосий мақсади ҳисобланади.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун диссертацияда қўйидаги ва –зифалар қўйилди ва ҳал этиди:

- тикувчилик маңсулотлари бозорида маркетинг тадқиқотларининг услугий асосларини ўрганиш;
- истеъмолчининг тикувчилик маңсулотларига бўлган талаби ва унга таъсир этувчи омилларни ўрганиш асосида, бозорни сегментлаш мезонларини аниқлаш;
- истеъмолчи феъл – авторини ўрганиш усуllibарининг тикувчилик корхоналари маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишидаги моҳиятини очиб бериш;
- тикувчилик саноатининг республикамиз енгил саноатида туттан ўрнини ва унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
- тикувчилик саноатида товар сиёсатининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш;
- тикувчилик корхоналаридаги товар сиёсатини ишлаб чиқишини такомиллаштириш йўлларини аниқлаш;
- маркетинг стратегиясини амалга оширишда тикувчилик корхонасасининг ташкилий – ишлаб чиқариш тизимини такомиллаштириш;
- маркетинг стратегиясини амалиётта татбиқ этишдан олинадиган иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш.

Илмий тадқиқотнинг предмети ва обьекти. Тикувчилик корхоналарининг маңсулотларига бўлган талабни ўрганиш, истеъмолчиларнинг ҳатти – ҳаракатини, корхона ва у ишлаб чиқарадиган маңсулотнинг рақобатбардошлигини тадқиқ этиш натижаларига асосланиб, маңсулот ассортиментини яхшилашга қаратилган маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиши жараёни тадқиқотнинг предмети ҳисобланади. Тадқиқотнинг обьекти Ўзбекистон

Республикаси «Ўзенгилсаноат» Давлат Акционерлик Компанияси (ДАК) таркибига кирувчи тикувчилик саноати корхоналари, хусусан «Тонг» очиқ турдаги акциядорлик жамияті ҳисобланады.

Тадқиқот усули ва маълумот манбалари. Енгил саноат мажмусини ривожлантириш бўйича Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари ва низомлари илмий тадқиқотни олиб бориш учун меъерий база қилиб олинди. Республикамиз ва чет эллардаги етук иқтисодчи олимларнинг маркетинг соҳасидаги яратилган назариялари ушбу илмий тадқиқотлар учун назарий – илмий асос қилиб олинди.

Илмий изланиш жараёнида иқтисодий – статистик таҳлил, статистик маълумотларни гуруҳлаш, солиштирма таҳлил, танлаб кузатиш, анкета сўрови, эксперт баҳолари, корреляция ва конкордация коэффициентлари ҳамда статистик баҳолаш усуллари қўлланилди.

Илмий ишда Давлат статистика қўмитаси маълумотлари, интернет тармоғи маълумотлари, «Ўзбекентгилсаноат» ДАК ҳамда унинг таркибига кирувчи «Тонг» ОАЖ ҳисобот маълумотлари ва муаллиф томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларидан фойдаланилди.

Диссертация ишининг илмий янгилиги маҳсулот ассортиментини такомиллаштириш асосида истеъмолчи талабига мос рақобатбардош тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш чора – тадбирларини белгилашдан иборат бўлиб, шу жумладан қуийдагиларни ўз ичига олади:

- тикувчилик маҳсулотлари ассортиментига бўлган талабнинг даврийлигини шакллантирувчи омиллар ва бозорни сегментлаш асослари таҳлил этилди;
- тикувчилик маҳсулотлари истеъмолчиларининг феъл – авторини ўрганишга оид ёндашувлар таҳлил этилди;
- тикувчилик корхонасининг тикувчилик товарлари бозори талабларига мослашувчанлик даражаси очиб берилди;
- товар ассортименти сиёсатини такомиллаштирилган «товар – бозор» матрицасини «истеъмолчи талаби – корхона имконияти» матрицаси асосида такомиллаштириш таклиф этилди;
- тикувчилик корхоналари маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, баҳолаш босқичларининг таркиби асослаб берилди;
- тикувчилик корхоналари маркетинг хизматини такомиллаштиришнинг «функция – мақсад» матрицаси таклиф этилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Илмий ишда асосланган услубий ишланмалар, стратегия вариантлари, матрицалар, таклифлар ва бошқа амалий натижалар тикувчилик саноати тармоқларида маҳсулот ассортиментини бозор талабига мос шакллантириш ва юқори самарадорликка эришишда, маркетинг тизимларини қўллашда, истиқболли бозор сегментини излаб топишда, маҳсулотнинг рақобатбардошлигини баҳолашда чора – тадбирлар ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишга яқиндан ёрдам беради.

Илмий–тадқиқот натижаларини синовдан ўтказиш ва нашр этиш. Диссертацияда берилган асосий таклиф ва тавсиялар «Тонг» ОАЖ да амалиётта татбиқ этиш учун қабул қилинган (жорий этиш түғрисида маълумотнома №3Р –01/606, 2003 йил 29 декабрь).

Бундан ташқари, ишнинг мазмуни «Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш: муаммолар ва истиқболлар» (ТДИУ, июнь, 2002) Республика илмий–амалий анжуманида, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Иқтисодиёт институтида бўлиб ўтган «Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашиши шароитларида барқарор иқтисодий ривожланиш муаммолари» (Тошкент, март, 2004) халқаро илмий анжуманда маърузалар қилинган.

Диссертация материалари бўйича 5 та мақола 2,5 б.т. ҳажмида чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва таркибий тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

Диссертациянинг **кириш** қисмида муаммонинг долзарблиги, унинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги, ишнинг назарий ва амалий жиҳатлари асослаб берилган.

«Тикувчилик товарлари бозорини тадқиқ этишининг назарий–услубий асослари» деб номланган **биринчи бобда** тикувчилик маҳсу–лотлари бозорига оид маркетинг тадқиқотларининг назарий таҳлилий усуллари, тикувчилик маҳсулотлари ассортиментларига бўлган талаб ва унинг даврийлигини белгиловчи омиллар таҳлили ҳамда бозорни сегментлаш асослари, истеъмолчи феъл–авторини ўрганиш усуллари ти–зимий асосда баён этилган.

Иккинчи боб «Ўзбекенгилсаноат» ДАКнинг тикувчилик корхоналаридағи товар сиёсатини стратегик режалаштириш ҳолати таҳлили» деб номланган. Бу бобда тикувчилик саноатининг енгил саноат тизимидағи ўрни, тикувчилик корхоналари маркетингида товар сиёсатининг ўзига хос ҳусусиятлари ва маркетинг фаолиятини стратегик режалаштириш асослари ишлаб чиқилган.

«Маҳсулот ассортиментини яхшилаш бўйича маркетинг стратегиясини амалиётга татбиқ этиш ва уни такомиллаштириш ўйлари» деб аталган **учинчи бобда** тикувчилик корхоналарида товар ассортиментини такомиллаштиришга қаратилган маркетинг стратегиясининг маҳсус «Истеъмолчи талаби–корхона имконияти» матрицаси тавсия этилди; стратегик мақсадни амалга оширишда тикувчилик корхонасининг такомиллашган ташкилий–ишлаб чиқариш тизими ишлаб чиқилди. Маркетинг стратегиясини ишлаб чиқаришга жорий этишдан олинадиган иқтисодий самарадорликни аниқлап бўйича ҳисоб – китоб ишлари амалга оширилди.

Диссертациянинг хулоса ва таклифлар қисмида тадқиқот натижаларидан келиб чиқадиган асосий илмий хуносалар ва таклифлар келтирилган.

Иловада муаллиф тадқиқотлари натижасидаги айrim маълумотлар, сўровнома макетлари ва таҳлиллар келтирилган.

2. Диссертациянинг асосий мазмуни

1. Мамлакатимиз корхоналарининг тикувчилик маҳсулотлари бо – зорида салмоқли ўрин эгаллаши, биринчидан, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, иккинчидан эса, табиий матолар асосидаги кийим – кечаклар ишлаб чиқариш бўйича халқаро меҳнат таҳсимотидаги аф – залликлардан самарали фойдаланиш талабларига тўлиқ мос келади.

Диссертация ишида тикувчилик маҳсулотлари бозори, яъни аҳо – лининг бевосита бирламчи талаблари йиғиндисини қондиришга қаратилган олди – сотди муносабатлари мажмуининг қуидаги хусусиятлари таҳлил этилган:

- кийим – кечакларнинг асосий ҳом ашёси табиий ва сунъий матоларни тайёрлашда кенг миллий имкониятларнинг мавжудлиги мамлакатимизда ишлаб чиқаришни кенг кўламда ривожлантиришда мухим роль ўйнаши;

- демографик жиҳатдан истеъмолчилар таркибининг ўзига хослиги, яъни ёш болалар ва ўсмирлар салмоғини юқорилиги;

- енгил саноат тизимидағи иш, тола ва мато ишлаб чиқариш бўғинлари фаолияти сифат даражасининг тикувчилик корхоналарининг рағобатбардошлигига кучли таъсири;

- об – ҳаво ва иқлим шароитларидағи кескин ўзгарувчан табиий – географик мұхитнинг истеъмолчилар ҳатти – ҳаракатини белгилашдаги ўрни;

- миллий турмуш тарзидағи анъанавийликка мойилликнинг бир хилда эмаслиги;

- тикувчилик маҳсулотларининг аҳоли истеъмоли учун озиқ – овқат маҳсулотларидан кейинги энг асосий товар эканлиги;

- кийим – кечак ассортиментига бўлган талаб даврийлигининг 3 – 5 мавсумдан ортмаётганлиги;

- мамлакатда импорт ўрнини босувчи тикувчилик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш имкониятларининг мавжудлиги;

- истеъмолчиларнинг пул даромадларидағи табақалашувнинг кучлилиги ва бошқалар.

Шунингдек, тикувчилик маҳсулотлари истеъмолчиларининг феъл – атворидағи ўзгаришлари таҳлил этилди ва уларга баҳо берилди. Жумладан, истеъмолчиларнинг талабларида табиий матоларга мойил – ликнинг кучлилиги билан бир қаторда талабнинг байнамиллалашуви ва диверсификациялашувига асосланган бозорнинг глобалашув жараёни кучайиб бораётганлиги таъкидлаб ўтилди. Чунончи, гарб давлатларидағи кийим – кечак бозорларидағи дизайн, стиль ва модалар кийим – кечакларнинг қисқа муддатлarda турли минтақавий бозорларда салмоқли ўрин эгаллаётганлиги баён этилди. Тикувчилик маҳсулотларига бўлган талаб даврийлигининг қисқаришига сабаб бўлаётган омиллардан бири – истеъмолчилардаги сезгириликнинг нафақат табиий мавсум, балки мавсум оралиқлари учун ҳам ортиб бораётганлигидир. Яна бир мухим жиҳат шундан иборатки, аҳолининг аксарият қатлами 25 ёшгача бўлганлиги ва айниқса, 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ва болаларнинг катта

салмоққа эга эканлиги – талабнинг ўта эластиклиги ва қисқаришига сабаб бўлмоқда.

2. Диссертацияда маркетинг тадқиқотлари – товарлар ва хизматларнинг ҳарақати ва сотилиши жараёнини илмий нуқтai назардан атрофлича ўрганиш натижалари ҳамда истеъмолчи талабини қондиришга оид ишлаб чиқилган ғоялар бўйича хулосалар қабул қилишдан иборат эканлиги муаллиф ёндашувига кўра асослаб берилди. Маркетинг тадқиқотлари кўлами чегараларининг кенгайиши ва мазму – нан чуқурлашуви қўлланиладиган тадқиқот усувлари ва услублари тар – кибига боғлиқлиги баён этилди. Шунингдек, бирламчи ва иккиласми ахборот манбаларининг ўзаро боғлиқлиги сабабли, «дала» ва «кабинет» усувларини яхлитликда қўллаш асослаб берилди.

Тадқиқот объектларидағи қўлланиладиган манба ва усувлар ях – литлиги тадқиқот жараёни изчилигини таъминлашга ҳамда бозор конъюнктураси ўзгаришларига мос ихчам маркетинг тизими фаолия – тига имкон яратади. Бу эса, тикувчилик корхоналарининг бозордаги мавқенини мустаҳкамлайдиган шарт – шароитлардан биридир.

3. Ҳар бир истеъмолчининг тайин ва муайян тўқимачилик маҳсү – лотларига бўлган талаби даврийлигининг иктиносидий шарт – шароитлари диссертация ишида асослаб берилди. Истеъмолчиларда дид ва майлнинг шакланиши товарнинг тикилиши, ранги, фасони, модаси, стили, ўзга – риши ва қулайлиги каби бир неча муайян кўрсаткичлар мазкур шарт – шароитлар негизини ташкил этади. Талабнинг даврийлиги шарт – шароитларини ўрганиш доирасига бозорни сегментлаш, талабнинг мотивини ўрганиш, истеъмолчиларни гуруҳлаш, талабни олдиндан би – лиш, унинг ҳаётий циклини тадқиқ этиш кабилар ҳам киритилди. Ти – кувчилик маҳсулотлари бозори бир жинсли ҳодиса сифатида эмас, балки айрим сегментлар мажмуаси сифатида баён этилган. Тикувчилик маҳсулотлари бозоридаги истемолчиларни гурухлаш хусусиятлари асослаб берилди. Истеъмолчилар географик (Тошкент шаҳри, вилоят ва МДҲ мамлакатлари), демографик (истеъмолчиларнинг ёши, жинси, оиласининг катталиги, касби, маълумоти), даромад даражаси (юқори, ўрта, кам таъминланган), психографик (турмуш тарзи, қадриялар ме – зони, урф – одатларга муносабати), феъл – автори (хариднинг ноёблик ва нафлийлик даражаси, маҳсулотга ҳиссий муносабат, товарга в фир – мага содиқлик, харид қилишга тайёрлик шароитлари ва бошқа) хусу – сиятларига кўра гуруҳларга ажратилди. Бозор сегментлари ҳамда ис – теъмолчилар гуруҳини баҳолаш мезонларига корхонанинг салоҳияти, унинг бозорга кириш имконияти, ахборот билан таъминланганлик да – ражасининг барқарорлиги, танлов прессинги кабилар асос қилиб олинди.

4. Муаллифнинг ёндашувига кўра тикувчилик корхоналари мар – кетинг стратегияси ўрта ва узоқ муҳлат ва муддат оралиғидаги мақсадга эришишда қўлланиладиган воситалар, усувлар ва йўналишлар тўғрисидаги қоидалар мажмуидан иборат. Бунда истеъмолчининг ўзини тутиши ва ҳатти – ҳаракатларига бирламчи эътибор қаратилиши лозим. Диссертацияда таъкидланганидек, маркетинг стратегиясининг ишлаб

чиқилиши бозорга мослашув қийинчиликләри ва унинг узоқ вақт чўзилишига барҳам бериш, хорижий товарларга кучли зарба бериш ва пировард истиқболда рақобатбардош фаолиятга эришиш заруриятидир.

Маркетинг стратегиясининг реал вазиятга мослиги бозор ва уннадаги истеъмолчининг ҳатти – ҳаракати тўғрисидаги аниқ ахборотлар – нинг ўз вақтида етказилишидир.

Диссертацияда бозорнинг асосий географик манзили сифатида Тошкент шаҳри бозорларидаги истеъмолчилар таркиби хусусан, бошқа вилоятлардаги улгуржи савдо қиуувчи тадбиркорлар улушининг юқорилиги ҳам ҳисобга олинган. Ушбу бозордаги истеъмолчиларнинг таркибини танлаш учун мамлакат минтақаларидағи аҳоли ва меҳнат ресурслари сони, аҳолининг пул даромадлари ва ҳаражатлари ҳамда жамғармаларига оид маълумотлар қиёсий таҳлил асосида танланган. Жумладан, 2002 йилда Тошкент шаҳри истеъмолчиларининг пул даромадлари мамлакатдаги ўртача кўрсаткичдан 2,68 марта кўп бўлиб, аҳоли жон бошига 384 минг сўмдан тўғри келган. Бу кўрсаткичининг айрим вилоятларга, масалан, Тошкент вилоятига нисбатан 2,76 баравар, Сирдарё вилоятига нисбатан 4,1 баравар, Жиззах вилоятига нисбатан 4,5 баравар юқорилиги аниқланган. Тошкент шаҳридаги истеъмолчилар – нинг ҳаражатлари даромадларидан 17,8 фоиз кўплиги билан ҳам бошқа вилоятлардан ажralиб туради. Тошкент шаҳри истеъмолчилари замонавий, мавсумий, нафис ва бежирим фасонли кийим – кечакларга тез мослашувчан ҳисобланади. Шунингдек, бошқа вилоятлардаги ҳаридорларнинг Тошкент тикувчилик маҳсулотлари бозоридаги улгуржи ва чакана савдо ҳажмида сезиларли улушга эга эканлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Бундан ташқари, тикувчилик маҳсулотлари истеъмолчиларининг ҳатти – ҳаракатини рағбатлантирувчи омилларни ҳисобга олишда «қора қути» усулидан фойдаланишдаги муаллифлик ёндашувлари асослаб берилиди.

5. Маркетинг стратегиясининг пухталигига эришишда бозорни сегментлаш, истеъмолчининг феъл – автори ва талабнинг даврийлигини аниқлаш билан бир қаторда, корхоналарнинг салоҳиятини ўрганиш ва баҳолаш вазифалари муҳим ўрин тутади. Шу боис диссертацияда «Ўзбекенгилсаноат» ДАК тизимидағи, хусусан, тикувчилик саноатидаги туб таркибий ўзгаришларга баҳо берилган. Муаллифнинг ёндашувига кўра, тикувчилик саноатининг мустақиллик йилларидағи тараққиётини шартли тарзда уч босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич (1991 – 95 й.) – мулкчилик муносабатларидағи ўзгаришлар, иккинчи босқич (1996 – 99 й.) – ҳукуматнинг тикувчилик маҳсулотлари бозоридаги фаолиятни янада яхшилашга қаратилган тадбирлари, учинчи босқич (2000 йилдан кейин) эса чуқур қайта ишлап ва қўшма корхоналар ташкил этишга эътиборнинг кучайганлиги билан тавсифланади. Сўнгги босқичда хорижий инвестициялар жалб этилиб, замонавий технологияларни ўрнатишга кенг ўрин берилди. Статистик маълумотларга муарожаат қилганда тикувчилик товарларининг солиштирма нархлардаги ишлаб чиқариш ҳажми 1999 йилда 2963 млн сўмдан 2002 йилда 5772 млн сўмга етгани ҳолда, натура кўрсаткичлари 3584,1 минг донадан 2414,6

минг донага, яъни 68,4 фоизгача камайганлигини кузатиш мумкин². Яъни мамлакатимизнинг тикувчилик маҳсулотлари бозоридаги қиймат кўринишида умумий сотув ҳажмининг ўсиш суръатлари ижобий бўлса – да, харидоргир ассортимент торайиб бормоқда. Тикувчилик корхоналари омборларида товар заҳиралари камаймаяпти. Тикувчилик товарларининг ҳалқ истеъмоли моллари ҳажмидағи тегишли йиллар бўйича солиширма нархлардаги салмоғи сурункали равишида пасайиб бораётганлиги ҳам салбий ҳолат ҳисобланади. Масалан, 1999 – 2002 йилларда ушбу салмоқ мос равишида 6,6 фоиз; 4,8 фоиз; 4,9 ва 1,9 фоизни ташкил этган. Ўз навбатида, ишлаб чиқариш қувватидан фойда – ланиш даражаси 2002 йилга келиб 59,8 фоиздан иборат бўлган.

Диссертацияда тикувчилик корхоналарида кузатилаётган суст – кашлик вазиятининг ташқи ва ички салбий омиллари мажмуи ҳам асослаб берилган. Ташқи салбий омиллар гуруҳига қўйидагиларни киритиш ўринли: 1) Хорижий тикув дастгоҳлари ва технологияларни етказиб беришдаги узилишларнинг тез – тез учраб туриши; 2) Бирламчи хом ашёлар, кимёвий толалар, бўёқлар ва ҳар хил оҳорлаш материалларини маҳаллий шароитларда ишлаб чиқаришдаги ўсиши суръатларининг пастлиги; 3) Тикувчилик корхоналари замонавийлиги ва бошқа кўрсаткичлари билан турили тоифадаги истеъмолчиларнинг талабларига, мос келмаслиги; 4) Замонавий дастгоҳлар ва технологияларни жорий этиши билан боғлиқ молиявий маблағларнинг чекланганлиги.

Ички омиллар гуруҳига эса, қўйидагиларни киритиш мумкин: 1) Корхоналарнинг ички салоқиятининг асосий элементи бўлган технолоғияларнинг ва маҳсулотларнинг ҳаётий даврларининг маҳсулотга бўлган талаб даври билан мос келмаслиги. 2) Илгор хорижий тажри – баларни, иммий ва ўқув адабиётларида тавсия ва стратегияларни ўзлаштиришда кадрлар маҳорати ва малакасининг етишмаслиги. 3) Мавжуд дастгоҳлар ва маҳаллий матолар асосида ишлаб чиқаришни ташкил этишда меҳнат ва моддий сарфининг юқорилиги.

6. Диссертацияда таъкидланганидек, юқоридаги иқтисодий суст – кашликлар ечими кўпроқ даражада корхоналарда бозор шароити кўникмалари ва малакалари ортиши билан бир қаторда, назарий тадқиқотлар ва амалий тавсияларнинг пухталиги ва реал бозор конъюнктурасига мос бўлган товар сиёсати даражасига боғлиқ. Яъни, тикувчилик корхоналарида замонавий товар сиёсати товарларни янгилаш, ривожлантириш, яратиш ва такомилаштириш йўналишлари ҳисобига ишлаб чиқариш ва сотишни доимо ва узлуксиз бошқариб боришни талаб этади.

Муайян товар ассортиментини стратегик режалаштириш учун тикувчилик корхоналаридағи қўйидаги шарт – шароитларни ҳисобга олиш лозим: корхонанинг технологик имкониятлари, товар ассортиментининг бозор талабларига мос келиши, товар сотуви ҳажмининг зиёнсиз ишлаб чиқариш ҳажмидан кам бўлмаслиги, тегишли хом ашё ва матолар билан таъминланганлик ва бошқалар.

² Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Тикувчилик корхоналари товар сиёсатининг муҳим тамойилла – ридан бири учта даврни – танланган товарнинг ҳаётий циклини, ис – төмөлчининг маҳсулотга бўлган талаб даврини ва ишлаб чиқариш технологияси даврини яхлит жараён сифатида ташкил этишдан иборат. Чунки, биргина товарнинг ҳаётий циклидаги эскиришнинг хисобга олиш билан, сифат ва рақобатбардошликни тўлиқ ҳисобга олиб бўлмайди. Бу ўз навбатида, нобоп, сифатсиз товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ қийинчилкларга олиб келади. Тикувчилик корхоналаридағи товар сиёсатини ишлаб чиқишида ҳукуматимизнинг болалар ва ўсмирлар спортини қўллаб – қувватлаш ва ривожлантиришга оид чора – тадбирлари аҳамиятли ўрин тутади. Спорт кийимларининг ихчам, бежирим ва қулаги сабабли ҳам кийим – кечаклар таркибида улар – нинг салмоғи истиқболда ҳам ортиб бориши кутилмоқда.

1 – жадвал

Корхонада стратегик режалаштиришни ташкил этиши, амалга ошириш ва баҳолаш босқичларни

| БОСҚИЧЛАР | БОСҚИЧЛАРНИНГ МАЗМУНИ |
|--|--|
| 1. Корхонанинг стратегик мақсадини аниқлаш | <ul style="list-style-type: none"> – сотув ҳажмини опришиб бориши; – корхонанинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш; – фойда миқдорини аниқлаш; |
| 2. Бозорни ва ун – даги истеъмолчи – ларни тадқиқ этиши | <ul style="list-style-type: none"> – бозор сегментининг хусусиятларини ўрганиш; – истеъмолчи талабига таъсир қиливчи омиллар таҳлили; – истеъмолчилар феъл – авторидаги аломатларни гуруҳлаш; – истеъмолчиларни даромадлари ва ёши бўйича гуруҳлаш; – анкета сўровларини (истеъмолчилар ва эксперталар учун) ташкил этиши; – статистик таҳлил усусларини қўллаш ва баҳолаш (корреляция ва конкордация коэффициентлар χ^2 мезон); |
| 3. Корхонанинг муайян имкони – ятларини тадқиқ этиши | <ul style="list-style-type: none"> – маркетинг таҳлили усусларини («Корхона имконияти ва хавфлари», «Кучли ва заиф» жihatлар) қўллаш; – рақобатчилар таркибини аниқлаш «Юлдуз ОАЖ», «Ан – контекст» КК; – рақобатбардошлик кўрсаткичларини аниқлаш; – бозорнинг жалб этувчалитини Мак – Кинзи усули билан аниқлаш; |
| 4. Маҳсулот ассортименти таҳлили ва товарнинг ҳаётий – лик цикли таҳлили | <ul style="list-style-type: none"> – 1999 – 2002 йиллардаги ишлаб чиқариш ва сотув ҳажмини товар ассортиментлари бўйича таҳлили; – товарлар ҳаётий циклидаги даврийликни аниқлаш; – истеъмолчилар талаби даври ва технология ва товар ҳаётий даврларини тақъослаш; |
| 5. Корхона маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиши | <ul style="list-style-type: none"> – Қийинчилкларни аниқлаш; вазифаларни белгилаш; – «Товар – Бозор» матрицасини такомиллаштириш; – «Истеъмолчи талаби – корхона имконияти» матрицасини ишлаб чиқиши; |
| 6. Бозор талабла – рига мос бошқарув тизимини таклиф этиши | <ul style="list-style-type: none"> – маркетинг хизматини такомиллаштириш; – «функция – маҳсад» матрицасини тузиш; – маркетинг мониторинги ташкил этиши; – вазифалар бажарилишини баҳолаш; |
| 7. Йўқисодий са – марадорликни ба – ҳолаш | <ul style="list-style-type: none"> – стратегик режалаштиришга киритилган товарларнинг без – иёялик ҳажмларини аниқлаш; |

Манба: Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

7. Муаллиф таъкидлаганидек, бозор ўзгаришларига мослашувчан самарали товар сиёсатини таъминлаш учун стратегик режалаштириш тизимини ишлаб чиқиш талаб этилади. Тикувчилик корхоналарида стратегик режалаштиришни ташкил этиш, уни амалга ошириш ва ба-ҳолаш тизими юқори даромад олишини таъминлабгина қолмай, балки корхонанинг бозорда мустаҳкам ўрнашишини, истеъмолчиларнинг ҳурматини қозонишини, корхонанинг обрўсини оширишини таъминлайди.

Диссертацияда пухта маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш учун «бозорни ривожлантириш», «маҳсулотни такомиллаштириш», (И.Ансофф), «бозор улуши – бозор ўсиши», «бозорнинг жалб этувчалик даражаси – рақобатдаги устунилик» (М.Портер) каби назарий концепция ва моделларнинг муайян турини танлаш, тикувчилик корхоналарида бошланғич вазият, таваккалчиликка мойиллик, харидорнинг эҳтиёжига мослашув даражаси ҳамда рақобат кучларининг таъсир доираси каби шарт – шароитларни ҳисобга олишини талаб этиди. Маркетинг стратегиясининг асосий йўналишларини қўйидагилар ташкил этиди: 1. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишда харажатлар тежамкорлигига эришиш. 2. Тикувчилик буюмлари ассортиментини янгилаш. 3. Истеъмолчилар билан мулоқотни мустаҳкамлаш. 4. Корхона маҳсулотлари турларининг ижобий жиҳатларини истеъмолчилар онгига сингдириш. 5. Бошқарув тизимни такомиллаштириш. 6. Корхонадига маркетинг бўйлумининг ташкилий фаолиятини бозор талабларига мослаштириш. 7. Сотув жараёни ва сотувдан кейинги хизмат кўрсатишини ташкил этиш.

8. Диссертация ишида тикувчилик корхоналари маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишининг муайян хусусиятларини аниқлаш мақсадида миллий тикувчиликка хос вазиятни ўзида кенгроқ мужас – самалаштирган корхоналардан бири – «Тонг» ОАЖнинг (Тошкент шаҳри) товар сиёсати фаолияти ўрганилди.

1999 – 2002 йиллардаги маълумотларга кўра, «Тонг» ОАЖдаги товар ассортиментининг асосий улушкини қиз ва ўғил болалар куртка – лари ҳамда эркаклар пальтолари ташкил қиласди. Корхонада кенг истеъмолчилар доираси учун турли ассортиментдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми қиймат кўринишида ортаётган бўлса – да, 2001 йилда 107 минг дона, 2002 йилда 67 минг дона маҳсулот ишлаб чиқарилаш.

Мавжуд вазиятни ўнглаш мақсадида маркетинг тадқиқотлари учун танлаб кузатиш ва анкета – сўров усулларидан фойдаланилди. Сўровда 472 та респондент қатнашди. Сўровда аҳоли табақалари даромадига кўра беш гуруҳга ажратилиди. Ушбу аҳоли табақаларининг феъл – автори, ҳатти ҳаракати ўнта белги билан тавсифланди.

Респондентлар берган мулоҳазаларнинг муштараклиги тасодифий эмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун χ^2 мезонидан фойдаланилди. Натижада Крамер корреляция коэффициенти $K_k = 0,78$; конкордация коэффициенти $w = 0,83$ га teng бўлди. Бу эса, респондентлар мулоҳазаларининг ўзаро муштарак эканлигини кўрсатиб берди.

Диссертацияда тикувчилик маҳсулотларининг рақобатбардошлик даражасини истеъмолчи нуқтаи назаридан истеъмол хусусиятига кўра баҳолаш ҳам амалга оширилди. Сўровда 50 эксперт, яъни тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг етук мутахассислари, сотовчилар, воситачилар, харидорлар танлаб олинди. Ҳар бир эксперт ўн балли мезон бўйича ҳар бир таклиф этилган моделга пастлаб бориш тартибида унинг 8 та сифат тавсифига ўз муносабатларини билдирилар. Сўров натижаларига кўра, эксперталар мулоҳазаларининг муштараклигини ифодаловчи конкордация коэффициенти ($W=0,77$) ва χ^2 мезонининг ($\chi^2=45,1$) қийматлари асосида натижаларнинг тасодифий эмаслиги аниқланди.

Тикувчилик маҳсулотлари истеъмол бозоридаги корхоналар рақобатбардошлигини баҳолаш учун «Тонг» ОАЖнинг (69 балл) кучли ва заиф жиҳатлари «Юлдуз» ОАЖ (74,55 балл) ва «Анконтекс» қўшма корхонаси (82,65 балл) имкониятлари билан ўзаро тақдосланди. Корхоналарнинг фаолият кўрсатиш муҳити Мак – Кинзи усули ёрдамида таҳдил этилиб, уларнинг бозорга таъсир этиш салмоғи аниқланди. Таҳдил натижаларига кўра, «Тонг» ОАЖнинг бозордаги жалб этувчанлик даражаси 65,5 баллни ташкил этди. Мазкур корхона учун мавжуд ташқи ҳавфларга баҳо берилди. Улар: импорт тикув буюмлари сифати юқорилиги; маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан келтирилаётган тикув буюмлари ассортиментининг кенглиги; рақобатчиларнинг мавжудлиги; маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотига бўлган талабнинг пасайиб бораётганлиги; товар маркасининг етарли даражада танилмаганлиги ва reklamaga зътиборнинг пастлиги ва бошқалар.

2 – жадвал

«Тонг» ОАЖнинг рақобатбардошлигини баҳолашда бозорнинг жалб этувчалиги кўрсаткичлари

| Т.р | Баҳолаш мезонлари | Омил салмоғи % | Баҳолаш сифат кўрсаткич | Баҳолаш, балларда (1–100) | Умумий баҳо, балл |
|--------------|-----------------------------|----------------|--|---------------------------|-------------------|
| 1 | Бозор ўсиши | 15 | Сотовни кенгайтириш имконияти | 60 | 9,0 |
| 2 | Нархни ўзгартириш имконияти | 20 | Таннархни тушириш ёки солиқ имтиёзлари | 50 | 10,0 |
| 3 | Кириш қийинчилеклари | 20 | Янги бозор қийинчилеклари | 60 | 12,0 |
| 4 | Ассортиментни яхшилаш | 10 | Кичик ишлаб чиқаришни ташкил этиш | 60 | 6,0 |
| 5 | Истеъмолчилар таъсири | 25 | Маҳсулот турла – рига хайриҳоҳлик | 90 | 22,5 |
| 6 | Бошиқа ташқи омиллар | 10 | Иқтисодий сиёсатдаги имтиёзлар | 60 | 6,0 |
| Жами: | | 100 | | | 65,5 |

Манба: муаллиф томонидан олиб борилган тадқиқот натижалари асосида тузилди.

Мавжуд вазиятда «Тонг» ОАЖ башка корхоналарга нисбатан рақобатда заиф деб баҳоланди.

Истеъмолчиларнинг келгусидаги истак – ҳоҳишларини ўрганишда мазкур респондентлар ичидаги ёш мезони асосида 100 киши танлаб олиниди. Ушбу сўрўсуну натижаларига кўра, аёллар ички кийимини харид қилиувчи барча ўшдаги харидорлар унинг материали «табиий», фасони «оддий», нархи эса «ўрта» бўлишини истайдилар. Эркаклар спорт кийимларининг харидорлари эса, материалнинг «аракалаш», улашнинг «чокли», фасоннинг «такомиллаштирилган», нархнинг «паст» бўлишларини истайдилар. Ўсмирлар ёзги кийимининг харидорлари 14 – 18 ёшни ташкил этиб, улар ушбу кийимларнинг табиий методан бежирим, замонавий фасонда, дизайнни юқори, фойдаланишда қулай ва ишончли ҳамда паст нархда бўлишларини истайдилар ва ҳоказо.

Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган «Тонг» ОАЖнинг янги ассортиментдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни бозорда жойлаштириш бўйича маркетинг стратегияси «товар – бозор» ҳамда «истеъмолчи талаби – корхона имконияти» матрицаларини бирлаштириш орқали тузилди. (3 – жадвал)

3 – жадвал

«Тонг» ОАЖнинг янги ассортиментдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни бозорда жойлаштириш бўйича маркетинг стратегияси

| ТОВАР | БОЗОР | ТОШКЕНТ ШАҲРИ | ВИЛОЯТЛАР | МАҲ |
|-----------------|------------|---------------|-----------|-----------|
| Спорт кийимлари | Эркакларга | + T-RR | - | + N-RR |
| | Болаларга | + T-RR | + | + N-RR |
| Ёзги кийимлар | Аёлларга | + N-RS | + | - |
| | Ўсмирларга | + N-RR | + | - |
| Костюмлар | Эркакларга | + N-RS | - | - |
| Ички кийимлар | Эркакларга | + N-RS | + | + N-RR |
| | Аёлларга | + T-RR | + | + N-RR |

Изоҳ: Т – такомиллаштирилган, N – янги, RR – молиялаштириши минимал ҳажмда, RS – молиялаштириши лозим.

Манба: Муаллиф тадқиқотлари асосида таклиф қилинган.

9. Диссертацияда ўрганилаётган объектнинг стратегик мақсадларини муваффақиятли амалга оширишда бошқарув тизимини такомиллаштириш ва шу орқали корхонанинг ташкилий ишлаб чиқариш таркибини яхшилаш борасидаги муаллиф ёндашуви ишлаб чиқиди. Тикувчилик корхонасидаги ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилмаси асосан қўйидаги омилларга боғлиқдиги аниқланди:

1. Ишлаб чиқариш ҳажми (корхона ишлаб чиқариш қуввати). 2. Маҳсулот ассортименти. 3. Йириклаштириш, ихтисослаштириш ва кооперация даражаси ва шакллари. 4. Корхонанинг техник қуролланиш даражаси.

Ушбу омиллар асосида Япония (Quick Response Sewing System – QRS тизими), Франция (Cepiflex тизими), Швеция ва Финляндия (Sequential Product Processing тизими) ва Германия (Durkopp Adler фирмасининг тизими) мамлакатларидағи тикувчилик корхоналарининг ташкилий тузилмалари ҳам таҳлил этилди. Улардаги афзал жиҳатлар сифатида: тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажмининг кам бўлиши; ҳар қандай шароитда ҳам товар кўринишининг сақланиб туриши; маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида ёрдамчи ишларга ажратиладиган вақтнинг қисқартирилиши; ишчи жойининг қулагилги қабилалрга эътибор қаратилди.

Хорижий мамлакатларнинг ушбу афзаликлари ва миллий ти – кувчилик корхоналаримиздаги ташкилий бошқарувнинг заифликларини ўрганиш асосида маркетинг хизматининг «функционал – товар» шакли ўрнига бозор ва истеъмолчиларнинг дидидаги ўзгаришларга мосланув – чан «товар – бозор» шаклидаги тизимини ташкил этиш таклиф этилди.

4 – жадвал

Корхонада маркетинг хизматини «функционал – товар» ҳамда «товар – бозор» шаклида ташкил этишининг хусусиятлари

| «Функционал – товар» шаклида ташкил этилиши | «Товар – бозор» шаклида ташкил этилиши |
|--|--|
| 1. Сотища режалаштириш мавжуд эмас | 1. Истеъмолчи ва бозор талабига қараб сотув ҳажми режалаштирилади |
| 2. Ҳар бир функционал гурӯҳ фақат ўз масаласини ҳал қиласи | 2. Маркетинг хизмати бўлимлари корхона стратегик мақсадини амалга оширишини таъминлайдиган муҳим масалани биргалиқда ҳал этади |
| 3. Маркетинг хизмати фақат товар ва бажариладиган функцияяга қаратилади | 3. Маркетинг хизмати маълум бир гурӯҳ истеъмолчилар талабини қондиришга қаратилади |
| 4. Белгиланган хизмат вазифасига тааллуқли оддий муаммони тез ҳал қилиши | 4. Бир неча соҳаларга доир муракқаб муаммоларни барча бўлимларнинг биргалиқда тезкорлик билан ҳал қилиши |
| 5. Мавжуд технологияга ва шаклланган бозорга мувофиқ иш тутиши | 5. Истеъмолчи талабини тезкорлик билан қондиришга йўналтирилган замонавий технологияларга мувофиқ иш тутиши |
| 6. Нарх – наво рақобатига мос иш тутиши | 6. Рақобатда нарх воситасисиз тарзда иш юритиш |

Манба: Мазкур жадвал муаллиф томонидан тузилган

Шунингдек, маркетинг хизмати бўлимларининг вазифалари кўламини баҳолаш учун «функционал – мақсад» матрицаси ишлаб чиқилди. Янги ташкилий бошқарув тизими истеъмолчининг талабини қондириш, бозор конъюнктурасини кузатиш ва унга таъсир кўрсатиш,

юқори сифатли товар ассортиментига эришиш ҳамда рақобатбардошликтин таъминлашга имкон беради.

10. «Тонг» ОАЖнинг истиқболда муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун ишлаб чиқилган маркетинг стратегиясида етти турдаги буюмларни ишлаб чиқариш ва тегишли бозор сегментларида сотиш тартиби тавсия этилди. Маркетинг дастурига киритилган маҳсулотларнинг таркибий тақсимоти (ички кийимлар, спорт кийимлари, қишки, ёзги ва мавсумий кийимлар, костюмлар) товарларнинг янгиланиши (эски, тақомиллашган, янги) ҳамда истеъмолчилар гурӯхлари (эркаклар, аёллар, ўсмиirlар, болалар) бўйича таркибий улушлари ҳисоблаб топилди.

Диссертация ишида ишлаб чиқилган маркетинг стратегиясининг истиқбол варзиантлари 2002 йилги мавжуд вазиятдаги кўрсаткичлар билан қиёсланди. Қиёслашда товарларнинг янгиланиш хусусиятига, бозор сегментлари таркибининг ўзгаришига, истеъмолчиларнинг демографик хусусиятига, маҳсулот турларига асосий эътибор қаратилди.

«Тонг» ОАЖ маъмурияти биз таклиф этган товар ассортиментининг маркетинг тадбирларини татбиқ этишда уч турдаги маҳсулотнинг тажриба – синовини режалаптириди. Маркетинг харажатларининг қопланишини таъминладиган маҳсулот миқдорини режалаштиришда «зийёnsизлик нуқта»си усулидан фойдаланилди.

5 – жадвал

**2003 йилда «Тонг» ОАЖда маркетинг тадбирлари асосида
ишлаб чиқарилган кенг истеъмол моллари миқдори**

| № | Ассортимент номи | Бирлик маҳсулот нархи, сўм | Миқдори, дона | Қиймати, минг. сўм | Жами ҳаражат, минг. сўм | Фойда, минг. сўм |
|--------------|--|-------------------------------------|----------------------|--------------------------------------|--------------------------------------|-----------------------------------|
| 1 | Ўсмиirlар костюми ШФ – 801 модели | 17500 | 96 | 1680,0 | 1611,75 | +68,25 |
| 2 | Эркаклар костюми ШФ – 948 модели | 20750 | 104 | 2158,0 | 2054,54 | +103,46 |
| 3 | Болалар спорт костюми: ШФ – 957 модели ШФ – 828 модели ШФ – 945 модели ШФ – 825 модели | 18166 11510 18166,66 16776 | 15 12 12 11 | 272,50 138,12 217,99 184,54 | 266,22 131,54 207,95 176,02 | +6,28 +6,58 +10,04 +8,52 |
| ЖАМИ: | | 250 | | 4651,15 | 4448,02 | +203,13 |

Манба:Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Бизнинг ҳисобларга кўра, жами маркетинг ҳаражатлари 200 000 сўмдан иборат бўлиб, мазкур танланган синов товарлари учун зиён – сизлик нуҳтасини аниқлашда асос бўлади.

Тажриба – синов тариқасида амалиётта жорий этилаётган З турдаги 6 та товар моделининг молиявий натижаларга кўра, зиён – сизлик нуҳтасини таъминладиган 250 дона маҳсулотнинг улгуржи нарҳдаги умумий қиймати 4651,1 минг сўмни, бир бирлик маҳсулотнинг ўртача нархи 18,6 минг сўмни ташкил этди. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча ҳаражатларнинг умумий қиймати 4448 минг сўмни, бир бирлик

маҳсулот учун қилинадиган ўртача харажатлар эса 17,7минг сўмни ташкил этди.

Хулоса қилиб айтганда, тикувчилик буюмларининг ассортиментини яхшилаш бўйича амалга ошириладиган маркетинг тадқиқотларининг самараадорлиги корхона учун юқори кўрсаткичларга эришиш имкониятини таъминлайди.

3. Хулоса

Тикувчилик корхоналари маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишидаги назарий – услубий ва илмий – амалий натижаларининг хулоса ва таклифлари қўйидагилардан иборат:

1. Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда миллый енгил саноат тизими, хусусан унинг сўнгги бўйини – тикувчилик корхонала – рининг ички ва ташки бозордаги раҳобатбардошлик даражаси мұхим ўрин тутади. Шу боис, тикувчилик маҳсулотлари бозоридаги маркетинг тадқиқотларининг мавжуд назария ва услубларни такомиллаштириш ва – зифалари асослаб берилиди.

Диссертацияда истеъмолчи хатти – харакати жараёнининг босқичлари таҳлил этилди. Тикувчилик маҳсулотлари бозорини тадқиқ этишда дала ва кабинет усусларидан уйғунылкда фойдаланишнинг гу – руҳлаштирилган тизими таклиф этилди.

2. Тикувчилик маҳсулотлари пировард истеъмолчига етказиб берилганилиги боис, бозор талаби ва унинг даврийлиги босқичлари асослаб берилиди. Диссертацияда тикувчилик маҳсулотларига бўлган талабга таъсири қиувлечи омиллар, унинг хусусиятлари ўрганилди. Тикувчилик маҳсулотларига бўлган талабнинг даврийлиги, технология ва маҳсулотнинг ҳаётлилик даври нуқтаи назаридан ишлаб чиқилди. Айнича бозор сегментларига жиҳдий эътибор қаратилди ва унда сегментлаш белгилари ишлаб чиқилди. Бундай ёндашув тикувчилик корхоналари маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишининг услубий асоси сифатида таклиф этилди.

3. Жаҳон тажрибасида ҳозирда мувафақиятли кўлланилаётган корхоналарнинг маркетинг ва бизнес стратегиясига оид моделлар такомиллаштирилди. Хусусан, И.Ансофинг маҳсус бозор матрицаси, М.Портернинг раҳобат матрицаси, портфолио таҳлилий матрицасининг «Бозор улуши – бозор ўсиши» ва «Бозорнинг жалб этиш даражаси – раҳобатбардошлиқдаги устунлик» моделлари такомиллаштирилди ва амалий фойдаланиш жиҳдатлари белгилаб берилиди.

4. Диссертацияда юқоридагилардан келиб чиқиб тикувчилик корхонаси маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш тизими таклиф этилди. Ушбу стратегияни ташкил этиш, амалга ошириш ва баҳолаш босқичлари таркибига қўйидагилар киритиди: 1) корхонанинг стратегик мақсадини аниқлаш; 2) бозорни ва ундаги истеъмолчиларни тадқиқ этиш; 3) корхона – нанинг муйайян имкониятларини тадқиқ этиш; 4) маҳсулот ассортименти таҳлили ва товарнинг ҳаётлилик цикли таҳлили; 5) корхона маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш; 6) бозор талабларига мос бошқарув тизими таклиф этиш; 7) иқтисодий самараадорликни баҳолаш.

5. Мамлакатимиз тикувчилик саноати корхоналари товарлар сиёсатини баҳолаш таҳлилидаги ижобий вазият сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин: 1) 1994–2002 йилда ишлаб чиқариш ҳажми қиймат кўринишида 66,5% ортди; 2) ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиши 25,5% га ортди; 3) сўнгги йилларда енгил саноатнинг бошқа бўйинларига нисбатан тикувчиликнинг ўсиш суръатлари юқорилигига эришилди. Айни ҳолда: ассортимент камаймоқда; сарҳаражатлик ортмоқда; мавжуд ишлаб чиқариш кучларидан 60–65% даражада фойдаланилмоқда; хорижий хом ашёлар таъминоти, импорт тарифлари ва бошқа сабабларга кўра, узилишлар сақланмоқда; маҳаллӣ замонавий хом ашё етказиб беришда сусткашлик мавжуд; илғор техника ва технологияни ўзлаштириш кечикмоқда; ходимлар ва маъмуриятнинг малакасизлиги сақланмоқда; ихчам ташкилий – иқтисодий тузималар жорий этиш кечикирилмоқда.

Натижада самарадорликнинг сурункали пасайиши сабаблари сифатида: харидоргир маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғи чекланганлигини, тақсимловчи ва қайта тақсимловчи воситачи тузималар фаолиятидаги анъянавийлик, корхоналар рақобатбардошлигининг заифлиги ҳамда техник дастоҳлар ва технологик жараёнлар моддий ва маънавий эскирганилиги намоён бўлмоқда.

6. Корхона маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланиладиган маҳсус учта сўровнома ишлаб чиқиди. Аҳоли табақаларини ҳисобга олишнинг беш гуруҳи, истемолчилар ҳатти – ҳаракатини фарқлапнинг 10 та аломати таклиф этилди. «Тонг» ОАЖда ишлаб чиқарилаётган ва ишлаб чиқариш кутилаётган 10 та моделга истеъмолчи талаби қондирилишини баҳолаш тизими ишлаб чиқиди. Корхонанинг қуали ва заиф томонларини, яъни истеъмол бозоридаги рақобатбардошлигини баҳолаш мақсадида SWOT – таҳлил этиш усулидан фойдаланиди. Олинган натижалар асосида Мак – Кинзи усулига кўра, корхоналарнинг бозордаги мавзеи («Тонг» ОАЖ – 67 балл, «Юлдуз» ОАЖ – 74,55 балл, «Анконтекс ҚҚ» – 82,65 балл) ва улар ишлаб чиқараётган тикув буюмлари рақобатбардошлигини аниқлашнинг матрицаси яратилиди.

7. Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиқиб, корхонадаги («Тонг» ОАЖ) мавжуд ассортиментни тақомиллаштириш ва янги товар турларини ишлаб чиқишни назарда тутадиган «товар – бозор» ҳамда «истеъмолчи талаби – корхона имконияти» матрицаларини бирлаштириш орқали 7 та турдаги, яъни аёллар ички кийими, ўсмирлар ёзги кийими, аёллар ёзги кийими, болалар спорт кийимлари, эркаклар спорт кийимлари, эркаклар костюми каби тикув буюмларини ишлаб чиқариш ва уни истиқболли бозор сегментларида сотиш бўйича маркетинг стратегияси ишлаб чиқиди.

8. Диссертацияда тикувчилик корхоналарида самарали маркетинг хизматини ташкил этишнинг «товар – бозор» таркибий тузилмаси ишлаб чиқиди, шунингдек маркетинг хизмати бўйимлари олдига қўйилган вазифа ва уларнинг бажарилишидаги тегишли вазифалар кўламини баҳолаш мақсадида маркетинг хизмати учун «Функционал – мақсад» матрицаси тузилиди.

9. Ассортимент сиёсатидаги маркетинг стратегиясини татбиқ этишда корхонанинг босқичма – босқич қайта ихтисослашув имкониятилари та – комиллаштирилди. Жумладан, истиқбода спорт кийимлари ишлаб чиқарип салмоғини шакллантириш таклиф этилди. «Тонг» ОАЖнинг 2002 йилдаги мавжуд аҳволи ва биз таклиф этаётган истиқболли вариантнинг турли мезонларга кўра салмоқларида афзаликлар «ассортимент – истеъмолчи» диагонал блокли матрицасида асослаб берилди. «Тонг» ОАЖ маъмуряти биз таклиф этган товар ассортиментининг маркетинг тадбирларини татбиқ этишда уч турдаги маҳсулотнинг тажриба – синовини режалаштириди. Маркетинг харажатларининг қопланишини таъминлайдиган маҳсулот миқдорини режалаштиришда «зиёнсизлик нуқта»си усулидан фойдаланиш таклиф этилди ва маркетинг тамоилиларини тадбиқ, этишда маркетинг харажатларини қоплайдиган ҳамда сотовуга чиқариладиган минимал маҳсулот миқдори ҳисоблаб то – пилди.

10. Тадқиқотлар натижасида яратилган илмий – назарий усул ва услублар миллай енгил саноат тизимининг барча бўгинларида кенг миёсда самарали фойдаланиш имкониятини беради.

4. Эълон қилинган ишлар рўйхати

1. Тикувчилик корхонасида маркетинг стратегиясини шакллантириш. // «Иқтисодиёт ва таълим» журнали, №3, Тошкент, 2003 й.

2. Опыт формирования маркетинговой стратегии швейного предприятия. // «Экономический вестник Узбекистана» журнал, №11 – 12, Ташкент, 2003 г.

3. Особенности маркетинговых услуг в розничной торговле. // «Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнеси ривожлантириш: муаммолар ва истиқболлар» илмий – амалий анжуман, Тошкент, июнь 2002 й.

4. Тикувчилик корхонасида маркетинг стратегиясини шакллантириш. // «Бозор, пул ва кредит» журнали, №12, Тошкент, 2003й.

5. Тўқимачилик саноатида маркетингдан самарали фойдаланиш йўллари. // «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнали №7 – 8 Тошкент, 2002й.

ТАДҚИҚОТЧИ _____

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Сайфутдинов
Мұхситдин Асомитдиновичнинг 08.00.13 «Маркетинг» ихтисосолиги
бўйича «Тикувчилик корхоналари маркетинг стратегиясини ишлаб
чиқиши» мавзусидаги диссертация ишининг
қисқача мазмуни**

Калит сўзлар: маркетинг, маркетинг стратегияси, маркетинг тадқиқоти, маркетинг хизмати, тикувчилик корхоналари, маҳсулот сифати, маҳсулот ассортименти, диверсификация, рақобатбардошлиқ, самараадорлик.

Тадқиқот обьекти: «Ўзбекенгилсаноат» ДАҚ таркибидағи «Тонг» очик турдаги акционерлик жамияти, тикувчилик корхонаси.

Ишнинг мақсади: ўтиш даври иқтисодиётида миллий енгил саноат тизимида харидоргир тикувчилик буюмларини ишлаб чиқариш ва сотинни таъминлайдиган маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиши.

Тадқиқот методи: иқтисодий статистик таҳлил, статистик маълумотларни турӯлаш, солиштирма таҳлил, танлаб кузатиш, анкета сўров, эксперталар баҳоси ва корреляция ва конкордация коэффициентлари, χ^2 мезони.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг маҳсулот ассортиментини такомиллаштириш асосида истиқболда истеъмолчи талабига мос рақобатбардош тикув буюмлари ишлаб чиқариш бўйича маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиши ва уни амалга оширишнинг чора – тадбирлари белгилаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти: илмий ишда асосланган услубий ишланмалар, стратегия вариантлари, матрицалар, таклифлар ва бошқа амалий натижалар тикувчилик саноати тармоқларида маҳсулот ассортиментини бозор талабига мос шакллантириш ва юқори самараадорликка эришишда маркетинг тизимларини қўллашда, истиқболли бозор сегментини излаб тошишда, маҳсулотнинг рақобатбардошлигини баҳолашда ва шунга оид чора – тадбирлар ишлаб чиқиши ва уни амалга оширишта яқиндан ёрдам беради.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самараадорлиги. Муаллифнинг диссертация тадқиқотлари натижалари бўйича тавсиялар «Тонг» ОАЖ (жорий этилиши тўғрисида маълумотнома №3Р – 01/606 2003 йил 29 декабрь) ни маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишида тадбиқ этиш учун қабул қилинди, шунингдек қабул қилинган маркетинг стратегияси кўрсаткичлари бўйича маркетинг тадқиқотларининг иқтисодий самараадорлиги аниқланди.

Қўллаш соҳаси: илмий ишдаги хулосаларни «Ўзбекенгилсаноат» давлат акционерлик компанияси таркибига кирувчи тикувчилик корхоналари фаолиятида ҳамда олий ўқув юрглари «Маркетинг асослари», «Маркетинг», «Стратегик маркетинг», «Стратегик режалаштириш» ва «Тадбиркорлик асослари» фанларини ўқитишида қўллаш мумкин.

Краткое содержание
диссертации соискателя ученой степени кандидата экономических
наук Сайфутдинова Мухситдина Асомитдиновича по специальности
08.00.13 «Маркетинг» на тему «Разработка маркетинговой стратегии
швейных предприятий»

Ключевые слова: маркетинг, маркетинговая стратегия, маркетинговые исследования, маркетинговые услуги, швейные предприятия, качество продукции, ассортимент продукции, диверсификация, конкурентоспособность, эффективность.

Объект исследования: акционерное общество открытого типа швейное предприятие «Тонг» при ГАК «Узбекенгилсаноат»

Цель исследования: разработка маркетинговой стратегии, обеспечивающей производство и реализацию швейных изделий в экономике переходного периода в системе национальной легкой промышленности страны.

Метод исследования: экономико-статистический анализ, группировка статистических данных, выборочное наблюдение, анкетный опрос, оценка экспертов и коэффициенты корреляции и конкордации, а также критерий χ^2 .

Полученные результаты и их новизна: определены меры по разработке и реализации маркетинговой стратегии, направленной на производство конкурентоспособных швейных изделий, отвечающих требованиям потребителей на основе усовершенствования ассортимента продукции; разработана маркетинговая стратегия предприятия в условиях рыночной экономики.

Практическая значимость исследования: Методические разработки, варианты стратегий, матрицы, рекомендации и другие научные результаты рекомендуется применять в предприятиях швейной промышленности при формировании ассортимента продукции согласно требованиям рынка, повышении эффективности, нахождении перспективных сегментов рынка, а также при оценке конкурентоспособности продукции.

Степень внедрения и экономическая эффективность. Рекомендации автора по результатам диссертационного исследования приняты для внедрения в АООТ «Тонг» (справка о внедрении № 3Р-01/606 от 29 декабря 2003 года) в разработке маркетинговой стратегии предприятия, а также определена экономическая эффективность маркетинговых исследований по показателям принятой маркетинговой стратегии.

Область применения: Научные разработки и основные положения исследования рекомендуется применять в деятельности швейных предприятий ГАК «Узбекенгилсаноат», а также в преподавании таких дисциплин, как «Основы маркетинга», «Маркетинг», «Стратегический маркетинг», «Стратегическое планирование» и «Основы предпринимательства».

Resume

for dissertation of competitor of academic rank of the Candidate of Economic science Sayfutdinov Mukhsitdin Asomitdinovich on 08.00.13 specialty «Marketing» on «Development of marketing strategy of sewing enterprises»

Key words: marketing, marketing strategy, marketing research, marketing services, sewing enterprises, quality of production, assortment of production, diversification, competitiveness.

Object of research: Open Joint – Stock Sewing Enterprise «Tong» under the State Joint – Stock Company «Uzbeklegprom».

Purpose of research: development of marketing strategy providing realization and manufacture of garments in transitional economy in the branches of light industry of the republic.

Method of research: economic statistical analysis, grouping of statistical data, elective supervision, questionnaire, estimation of experts and methods of correlation and regression analysis.

The gained results and their novelty: measures on development and realization of marketing strategy aimed at manufacture of competitive garments, meeting the consumers' demands are determined on the basis of improvement of assortment of production, marketing strategy of the enterprise is developed in conditions of market economy.

The practical importance of research: Methodical elaboration in research, variants of strategy, matrixes, recommendation and other scientific results can be applied in branches of clothing industry while creating the assortment of production according to market requirements, increasing the efficiency, finding the perspective market segments, and while estimating the competitiveness of production.

Degree of introduction and economic efficiency: Autor's recommendations on the results of dissertation have been adopted to be introduced to the Open Joint Stock Company «Tong» (reference on implementation N 3P – 01/606 from December 29, 2003) in elaboration of marketing strategy of the enterprise and also economic efficiency of marketing research on adopted marketing strategy has been estimated.

Field of usage: conclusions and practical recommendations of the dissertation can be applied in teaching such disciplines, as «Bases of marketing», «Marketing» and «Bases of entrepreneurship». Scientific development and basic provisions of research can be used in activity of sewing enterprises of the State Joint – Stock Company «Uzbeklegprom».

| | |
|------------------------|--------------|
| Қоғоз бичими | 1.2 б.т. |
| Босишига рухсат этилди | 28.01.2005 й |
| Тиражи | 100 нусха |
| Буюртма № | 315 |

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети
«ТАЛАБА» янги ахборот технологиялари марказининг
«RISO» нусха кўчириши техникасида чоп этилди

Тошкент, Ўзбекистон
шоҳқўчаси, 49 – ўй
e-mail: talaba@tsue.uz